



МАВЗУ: ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЎЙИНЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ



РЕЖА

Тарих дарсларида ўқувчиларнинг билиш ва ўйин фаолиятини уйғунлаштириш


Ўйин фаолиятини ташкил этиш босқичлари

Дидактик ўйинли технологияларга қўйиладиган талаблар, турлари, ўзига хос хусусиятлари, ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш

Ўйинли технологияларнинг турлари

Ўйинли технология ўзи нима?

*У дарс машғулотлари жараёнида
қандай вазифани бажаради?*



Ўйинли технологиялар турли шаклда бўлсада, уларнинг барчаси ўз мазмунига кўра ягона мақсад сари йўналтирилган, яъни улар талабаларнинг назарий билимларини чуқурлаштириш, кенгайтириш, эгалланган назарий билимларидан амалиётда мустақил ва самарали фойдалана олиш кўникмаларини ҳосил қилиш, уларни ижтимоий-иқтисодий муносабатларни уюштиришга тайёрлаш, ижтимоий фаолликни шакллантириш, етук ахлоқий сифатларни таркиб топтириш, теран ва соғлом фикр, кенг дунёқараш эгаси бўлган комил шахсни камол топтиришдан иборат вазифани ҳал этади.

Психологлар таъкидлайдиларки, ўйинга киришиб кетиш қобилияти киши ёшига боғлиқ эмас, лекин ҳар бир ёшдаги шахс учун ўйин ўзига хос бўлади.

Ўйинли фаолият муайян функцияларни бажаришга бағишланган бўлади.




Улар қуйидагилар:

мафтункорлик
коммуникативлик (уюштирувчилик)
ўз имкониятларини амалга ошириш
давловчилик
ташхис
миллатлараро мулоқат
ижтимоийлашув

Инсон ҳаётида ўйин фаолияти орқали қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

1. Ўйин фаолияти орқали шахснинг ўқишга, меҳнатга бўлган қизиқиши ортади;
2. Ўйин давомида шахснинг мулоқотга киришиши яъни, коммуникатив – мулоқот маданиятини эгаллашга ёрдам беради;
3. Шахснинг ўз иқтидори, қизиқиши, билими ва ўзлигини намоён этишига имкон яратади;
4. Ҳаётда ва ўйин жараёнида юз берадиган турли қийинчиликларни енгишга ва мулжални тўғри олиш кўникмаларини таркиб топишига ёрдам беради;
5. Ўйин жараёнида ижтимоий нормаларга мос хулқ-атворни эгаллаш, камчиликларга барҳам бериш имконияти яратилади;
6. Шахснинг ижобий фазилатларини шакллантиришга замин тайёрлайди;
7. Инсоният учун аҳамиятли бўлган қадриятлар тизими, айниқса ижтимоий, маънавий-маданий, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўрганишга эътиборқаратилади;
8. Ўйин иштирокчиларида оммавий мулоқот маданиятини ривожлантириш кўзда тутилади.

Дидактик ўйинли машғулотларни талабаларнинг билим олиши ва ўйин фаолиятининг гуноғлигига қараб: сюжетли-ролли ўйинлар, ижодий ўйинлар, ишбилармонлар ўйини, анжуманлар, ўйин-машқларга ажратиш мумкин.



Ўқитувчи-педагог аввал талабаларни индивидуал (якка тартибдаги), сўнгра гуруҳли ўйинларга тайёрлаши ва уни ўтказиши,ўйин муваффақиятли чиққандан сўнг эса, уларни оммавий ўйинларга тайёрлаши лозим. Чунки талабалар дидактик ўйинли машғулотларда фаол иштирок этишлари учун зарурий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари, гуруҳ жамоаси ўртасида ҳамкорлик ҳамда ўзаро ёрдам вужудга келиши лозим.



Педагогик ўйинлар қуйидаги асосий йўналишларда бўлади:

**дидактик мақсад
ўйинли вазифа
шаклида қўйилади;**

ўқув фаолияти ўйин
қоидаларига бўйсунди;

ўқув материалдан ўйин
воситаси
сифатида фойдаланилади

**ўқув жараёнига дидактик
вазифа ўйинга айлантирилган
тарзда мусобақалашиш
унсурлари киритилади;**


дидактик вазифанинг
муваффақиятли
бажарилиши ўйин натижалари
билан боғланади.



Ўқитувчи-педагог дидактик ўйинли машғулотларни ўтказишга қизғин тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишда қуйидаги дидактик талабларга риоя қилиши талаб этилади:

1. Дидактик ўйинли машғулотлар дастурда қайд этилган мавзуларнинг таълим- тарбияни ривожлантирувчи мақсад ҳамда вазифаларини ҳал қилишга қаратилган бўлиши;
2. Жамиятдаги ва кундалик ҳаётдаги муҳим муаммоларга бағишланиб, улар ўйин давомида ҳал қилиниши;
3. Баркамол шахсни тарбиялаш тамойилларига ва шарқона одоб- ахлоқ нормаларига мос келиши;
4. Ўйин тузилиши жиҳатидан мантиқий кетма-кетликда бўлиши;
5. Машғулотлар давомида дидактик тамойилларга амал қилиниши
ва энг кам вақт сарфланишига эришиши керак.

Дидактик ўйинли дарс ва унинг турлари



Дидактик ўйинли машғулотларнинг ўзига хос хусусиятлари

Дидактик ўйинли машғулотлар	Мавзу мазмунига кўра мазкур машғулотдан фойдаланиш	Машғулотларнинг дидактик функциялари	Талабанинг фаолияти
Сужетли-ролли	Фаннинг турли соҳаларида қўлга киритилган ютуқларни ёритиш, фанлараро боғланишларни амалга ошириш, табиатдаги ва кундалик ҳаётдаги муаммоларни ҳал этиш имконияти бўлганда	Кундалик ҳаётдаги ижтимоий муносабатларни, табиат объектлари ва табиий ҳодисалар ўртасидаги алоқалар ва боғланишларни адабий-бадий тарзда ёритиш	Муайян ролларни бажариш орқали билим ва кўникмаларни эгаллаш
Ижодий ўйин	Аввал ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни ривожлантириш имконияти бўлганда	Муаммоли вазиятларни аввал ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни ижодий қўллаш орқали ҳал этиш	Ижодий изланиш орқали янги мавзунини ўзлаштиради
Ишбилармон ўйини Ауксион	Турли объектларга тавсиф бериш, уларни таққослаш имконияти бўлганда	Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар асосида талабалар дунёқарашини кенгайтириш, касбга йўналтириш	Ауксионда иштирок этиш орқали янги мавзунини ўзлаштиради

<p>Анжуман</p>	<p>Фаннинг турли соҳаларига оид билимлар мужассамлашган ва қўлга киритилган ютуқларни ёритиш, фанлараро боғланиш-ларни амалга ошириш имконияти бўлганда</p>	<p>Қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништириш, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, касбга йўналтириш</p>	<p>«Олимлар» мақо-мини олиб муайян мавзуларда изла-нишлар олиб боради</p>
<p>Матбуот анжумани</p>	<p>Фаннинг турли соҳаларини қамраб олган, талабаларнинг аввал ўзлаштирган билимларидан фойдаланиш лозим бўлганда</p>	<p>Қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништириш, дарслик, илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш</p>	<p>«Олимлар» ва «Мухбирлар» ма-қомини олиб мав-зуни ўзлашти-ради</p>

Ўйинли технологияларнинг турлари.

Педагогик ўйинлар фаолият турлари, педагогик жараён характери, ўйин методикаси, соҳа хусусияти, ўйин муҳити бўйича тасниф қилинган.

Рол ижро этиш ўйинлари. Унда конкрет шахснинг хулқи, хатти-ҳаракати, ўз вазифалари ва мажбуриятларини бажарилиш тактикаси машқ қилинади.

Бу ўйин орқали тарих дарсларида тарихий шахсларни шахсиятини (ўзлигини) мукаммал билишда фойдаланилади. Масалан, Тумарис, Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Амир Темур, Хусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Шайбонийхон, Амир Олимхон, Нодира, Худоёрхон, Муҳаммад Раҳимхон 2 ва Дукчи Эшон каби шахслар бўлиши мумкин.

"Тўғри топ" ўйини

- **"Тўғри топ" ўйини** учун иккита плакат керак бўлади. Ўқитувчи биринчи навбатда бирор мавзу бўйича калит сўзларни бошланиши ёзиб кўяди, ўқувчи эса тартибни ўзгартирган ҳолда калит сўзларнинг давомини ёзиб кўяди. Ўйинни 6 синфларда "Қадимги дунё тарихини даврлаштириш" мавзусини ўрганишда кўллаш мумкин.
 - Полеолит бу...
 - Мезолит бу...
 - Неолит бу...
 - Эниолит бу...
 - Бронза бу...
 - Темир даври бу...
- Инсоният тарихида илк тош даври бўлиб эр.авв. 1 млн.-12 минг йилликларни ўз ичига олади...
- Ўрта тош даври бўлиб, эр.авв. 12 – 7 минг йилликларни ўз ичига олади....
- Янги тош даври бўлиб, эр.авв. 6 – 4 минг йилликларни ўз ичига олади.....
- Мис тош даври бўлиб, эр.авв. 4 – 3 минг йилликларни ўз ичига олади
- Эр.авв. 3 – 2 минг йилликларни ўз ичига олиб, материархатдан потериархат ажралиб чиқади.....
- Эр.авв. 1 – минг йилликдан бошланиб, бу даврда инсоният тарихидаги 2 – меҳнат тақсимооти рўй беради....

"Ким билади?" ўйини

- **"Ким билади?" ўйинида** ўқувчилар икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ аъзолари "Ўзбекистон тарихи" 8-синф дарслигидан бирор ҳукмдор ёки тарихий шахс ҳақида маълумот ўқишади. Иккинчи гуруҳ аъзолари эса ҳукмдор ёки тарихий шахсни ким эканлигини аниқлашади. Кейинги навбатда иккинчи гуруҳ аъзолари бирор ҳукмдор ёки тарихий шахс ҳақида маълумот ўқишади. Биринчи гуруҳдагилар эса ҳукмдор ёки тарихий шахсни ким эканлигини аниқлашади. Ҳар бир тўғри жавоб учун ютукли карточкалар беришади. Бу ўйинни хоҳлаган мавзу ёки фанни ўрганишда дарс жарёнида ўқувчиларни зериктиришга йўл кўймаслик, кизиктириш мақсадида ҳам ўтказиш мумкин. Масалан, 8-синфда "Ўзбекистон тарихи" фанида фойдаланиш мумкин:
- **1-гуруҳ:**
- У ҳукмдор Абулхайрхоннинг фарзанди Шохбудоқсултоннинг ўғли. Унинг исмининг маъноси "Куч қудрат" демақдир. У ХҲ асрнинг 80-йилларида ўз давлатини тузган.
- **2-Гуруҳ: Шайбонийхон.**
- Ўйин шу тарзда давом этади. Ушбу ўйин ўқувчиларда фанга ёки урганилаётган мавзуга нисбатан кизикиш уйғотади. Тарихга бўлган ижодий ёндашувни ўстиради, мантиқий фикрлаш малакаларини оширади.



Эътиборингиз учун раҳмат!

